



ИНСОН ВА ҚОНУН

№ 36
(543)
2007 йил
21 август
сешанба



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGINING HUKUKIY GAZETASI

САХОВАТЛИ ЮРТИМ

Qonunning mohiyati

Ҳакамлик суди:

ва унинг ҳал қилув қарори билан
боғлиқ ишларни юритиш...

Суднинг ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори билан боғлиқ ишга оид ажрими деганда ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ёки ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилишни рад этиш тўғрисидаги, шунингдек, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ёки ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси беришни рад этиш тўғрисидаги ажрими назарда тутилди.

Иккинчи мақола

қаролик ишлари бўйича судларга) берилиб, мазкур аризалардан тегишлича давлат божи ундирилиши белгиланди. Бу эса "Давлат божи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг "Давлат божи ундирилган объектлар" деб номланган 2-моддасининг ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини бекор қилиш тўғрисидаги ва ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризалардан давлат божи ундириш ҳақидаги қоида билан тўлдирилишига ҳамда Фуқаролик процессуал кодексининг "Давлат божи" деб номланган 104-моддасига ҳам шу тариқа қўшимчалар киритилишига олиб келди.

"Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори билан боғлиқ ишларни юритиш" деб номланган 5-кичик бўлимнинг 357-боби "Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ишларни юритиш" деб номланиб, унда ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори юзасидан низолаштириш, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризанинг шакли ва мазмуни, мазкур аризани кўриб чиқиш тартиби, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш асослари ҳамда фуқаролик ишлари бўйича суднинг ҳакамлик суди ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги иш бўйича ажрим чиқаришга доир қоидалар ўз ифодасини топти.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарорлари юзасидан низолаштириш, унинг ҳал қилув қарорини бекор қилишга доир қоидалар кўпгаб давлатларнинг қонунчилигида, шунингдек, халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам назарда тутилди. Лекин мамлакатимиз қонунчилигида белгиланган ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори юзасидан низолаштиришга оид қоидаларнинг бошқа айрим давлатлар қонунчилигидаги шунга ўхшаш қоидалардан қатор афзаллик жиҳатлари мавжуд. Масалан, Россия Федерациясининг "Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги Қонунига қўра (40-м.), агар ҳакамлик битимида ҳакамлик судининг қарори қатъий, ўзгартириб бўлмагани юзасидан келишувга эришилган бўлса, у ҳолда ҳакамлик суди чиқарган ҳал қилув қарори устидан шикоят қилиш мумкин бўлмагани белгиланган бўлиши, "Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги Қонунда (46-м.) ҳамда шунга мувофиқ киритилган Фуқаролик процессуал кодексининг 309-моддасида ҳакамлик муҳокамаси тарафи ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини олган қундан эътиборан ўттиз кун ичида ваколатли судга ушбу ҳал қилув қарорини бекор қилишга сўраб ариза бериш йўли билан ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори юзасидан низолаштириш мумкинлиги белгиланиб, бу ўз навбатида, ҳакамлик судлари томонидан йўл қўйишга мумкин бўлган қонунчиликларнинг олдидан, тадбиркорлик субъектларининг ўз раҳбарлари томонидан қорхона манфаатларига эид бўлган келишувлар тузилишига барҳам беради, бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларнинг ваколатли судлар томонидан тикланишига қўшимча имкониятлар яратди.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризанани кўриб чиқиш тартиби белгиланган бўлиб (309-модда), унда мазкур ариза судья томонидан яққа тартибда кўриб чиқиши, бошқа фуқаролик ишларида бўлгани каби ушбу тоифадаги ишлар ҳам судда кўриш учун тайёрланиши, мазкур ишга оид иш материалларини ҳакамлик суддан далилларни талаб қилиб олиш учун назарда тутилган қондалар асосида талаб қилиб олиш мумкинлиги, ариза суд мажлисида кўриб чиқиши, суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида ҳакамлик муҳокамаси тарафлари албатта хабардор қилиниши каби қоидалар белгиланган бўлиб, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризалар Фуқаролик процессуал кодексининг 131-моддасида назарда тутилган мuddатларда кўриб чиқилди.

Таъкидлаш жоизки, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш тартиби бошқа фуқаролик ишларини кўриб чиқишнинг умумий қоидаларидан фарқланади. Хусусан, суд ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризани суд мажлисида кўриб чиқадиган ҳакамлик суди аниқланган ҳолатларни текширишга

ёхуд ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мазмунан қайта кўриб чиқишга ҳақли бўлмайди. Шунингдек, ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарорларини бекор қилишга фақат "Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги Қонунда назарда тутилган асослар мавжуд бўлгандагина йўл қўйилади.

"Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ишларни юритиш" деб аталган 357-бобда ижро варақаси беришнинг умумий қоидалари, ижро варақаси бериш сўралган аризанинг шакли ва мазмуни, аризани кўриб чиқиш тартиби, ижро варақаси беришни рад этиш асослари тўғрисидаги ҳамда фуқаролик ишлари бўйича суднинг ҳакамлик суди ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги иш юзасидан ажрим чиқариш таъминли ҳақидаги қоидалар акс эттирилган.

"Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Ҳужжатли процессуал кодекси "Ҳужжатли суди томонидан қўриладиган, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори билан боғлиқ ишлар" деб номланган 251-модда ҳамда мазмунан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексида киритилган ўзгартиришларни тақрирлаб, унга моддадан иборат бўлган ишга янги боб ("Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ишларни юритиш" деб номланган 201-боб ва "Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ишларни юритиш" деб номланган 202-боб) билан тўлдирилди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, "Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, шунингдек, қонунчилик техникаси қоидаларига мос келгани ва "Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги Қонуннинг амалда самарали ишлаши билан боғлиқ энгилликлар яратди. Бинобарин, тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилиши таъминлаш борабарига, мамлакатимизда қулай инвестицион муҳити шакллантириш ва республикамизга кириб келаётган хорижий давлатлар инвестицияларининг оқимини қўлайитириш учун шарт-шароитлар яратишга қумаклашди.

Музаффаржон МАМАСИДДИКОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Амалиёт бўлими мониторинг институти гуруҳ раҳбари



Суратга қаранг: Мўъжиза дейсиз. Оллоҳнинг назари тушгани шу дейсиз. Она тупроқ саховатидан, шу заминда яшайётганингиздан ўзингиз ҳам қувонасиз.
Олтиқаролик Ойзодаҳон Ғофуров

ваининг кўнглидан кечаётган туйғулар таърифига эса тил оғзис. Нафақат саксон бир ёшни қаршилаган кекса боғбон Абдулла ота Ғофуров хонадонини, балки бутун Фарғона аҳли боғбонлик сирини мукаммал били-

шига таҳсин айтасиз... Ҳосили мўл, бағри бутун ўзбек замини — Ўзбекистон ер юзидан танҳо эканлигидан фахрланасиз...

Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат

ҚЎШИМЧА ТЕКШИРИШГА ЮБОРИЛДИ

негаки, терговчи тўлиқ текшириш ўтказмасдан қарор қабул қилган...

Қашқадарё вилоят прокуратураси томонидан Чироқчи тумани Наврўз қишлоғида яшовчи К.Расуловнинг ўғли А.Жумановнинг ҳайдовчи А.Арзуқулов томонидан содир этилган транспорт ҳодисаси оқибатида вафот этгани, бироқ айбдорга нисбатан ҳеч қандай чора кўрилмагани хусусида «ИНСОН ва ҚОНУН» ҳуқуқий газетасига йўллаган шикоятни ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, 2006 йил 23 декабрь кунини соат 19-30 ларда Чироқчи тумани Ўзбекистон фермер хўжалиқлари Жар қишлоғи ҳудудидан ўтган Чироқчи-Қалқам катта асфальт йўлидан Арзуқулов Алишер ўзининг бошқарувида бўлган ВА3-2106 русумли 18 J 2311 давлат белгилли транспорт воситасини бошқариб бораётиб, велосипед билан кетаётган 1982 йилда туғилган Жуманов Абдиқасимни автомашинасининг олд чап буфери билан уриб юборган. Натижада А.Жуманов вафот этган.

Ушбу ҳолат юзасидан



2006 йил 28 декабрь кунини Чироқчи тумани ИИБ Тер-

гов олди текшириш ҳаракатлари олиб бориб, Жиноят процессуал кодексининг 83-моддаси 2-бандига асосан жиноят иши кўзга тушириш рад этилган.

Тўпланган ҳужжатлар бир неча мартада Чироқчи тумани прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилиб, терговчи томонидан қабул қилинган қарор бекор қилиниб, қўшимча текшириш ҳаракатлари олиб бориш учун тумани ИИБ Тергов бўлимига юборилган.

Вилоят прокуратураси томонидан тўпланган ҳужжатлар назорат тартибиде ўрганиб чиқилиб, терговчи томонидан тўлиқ текшириш ҳаракатлари олиб борилмаган, ариза муаллифининг барча важлари текширилмасдан қарор қабул

қилинганлиги аниқланди. 2007 йил 8 август кунини жиноят иши кўзга тушириш рад этиш ҳақидаги қарор бекор қилиниб, малака-ли терговчи томонидан текшириш ҳаракатлари олиб бориш лозим деб топилди ва бу Қашқадарё вилоят ИИБ Тергов бўлимига малакали терговчилари зиммасига юклатилди.

Вилоят прокуратураси томонидан ушбу материал алоҳида назоратга олинди, ҳозирда вилоят ИИБ Тергов бўлимига юборилган.

А.ЖУРАЛОВ,
Қашқадарё вилоят прокуратурасининг биринчи ўринбосари, адлия кичик маслаҳатчиси

Республикамизда биржалар фаолиятини ривожлантириш мақсадида замонавий биржа тизимининг ҳуқуқий ҳамада моддий асослари яратилди. Қарақали мейёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, тўб ислохотлар ўтказилди, янгидан ташкил этилган биржалар моддий-техник жиҳатдан таъминланди. Чунончи, Президентимизнинг 1991 йил 27 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасида биржа фаолиятини мувофиқлаштириш тўғрисида"ги Фармони, "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги, "Кимматли қозғалар ва фонд биржаси тўғрисида"ги, "Кимматли қозғалар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида"ги Қонуларнинг қабул қилиниши бу борада ҳуқуқий-мейёрий мезон бўлиб хизмат қилаётир.

Adliya yordam berdi

Назорат олиб борилади, чора кўрилади...

субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш вазифаси юклатилди. Шундан келиб чиқиб, ходимларимиз томонидан соҳага тегишли масалалар алоҳида назоратга олинди.

Жойларда адлия ходимлари томонидан биржа савдоларини ошқора ва оммавий тарзда ўқитиш, нархларнинг эркин шаклланиши, биржа битимларини тузишнинг ихтиёрийлиги, биржа аъзоларининг биржа савдоларида иштирок этиши учун шарт-шароитларнинг тенглиги ва биржа савдоларида сотиб олинган мулкларнинг тадбиркорлик субъектлари томонидан ўз вақтида ва тўлиқ қабул қилиб олинишига эътибор қаратилмоқда.

жавобгарликка тортилишини таъминлаш чоралари кўрилмақда. Масалан, Ўзбекистон банклар ассоциациясининг универсал биржа маркази Бухоро вилоят филиали томонидан 2007 йил 3 июлда бошланган нархи 6 миллион сўм бўлган КамАЗ 5511 русумли автомашина ким ошди савдосига чиқарилиб, "Стар максима плюс" МЧЖга 18 миллион сўмга сотилган. Аммо жамият томонидан тўлов белгиланган мuddатларда амалга оширилмаганига сабабли, аукцион савдо 2007 йил 10 июлда такоран ўтказилган. Шуниси ажаблანарлики, такоран ўтказилган ким ошди савдоси тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон

ни бекор қилиш тўғрисида 2007 йил 12 январда мурожаат қилган. Бирок филиал савдоларини ташкил этиш бўлими бошлиғи Ш.Абдуллаев мазкур аризани белгиланган тартибда кўриб чиқмаган... ва масала ечимини хал этмаган. Ушбу ҳолат юзасидан адлия органи томонидан бўлим бошлиғи Ш.Абдуллаевни Ўзбекистон Республикаси Мамъурий жавобгарлик тўғрисида кодексининг 43-моддаси билан мамъурий жавобгарликка тортиш ҳақида судга тақлиф киритилди.

Айрим биржа савдолари натижаси бўйича тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришда тадбиркорлик субъектларидан ортиқча ҳужжатлар талаб қилиб олиш ҳолатларига ҳам йўл қўйилмоқда. Масалан, қолбаса ишлаб чиқариш цехи дастохларини сотиб олган Урганч туманидаги "Наврўз" фермер хўжалиғи раҳбари З.Атаевдан 2007 йил 5 июнь кунини 163-сонли биржа олди-сотди шартномасини расмийлаштиришда фермер хўжалигининг низоми ортиқча ҳужжат сифатида олинган. Шунингдек, "Урганч сўт" МЧЖга қарашли бино ва иншоотларнинг бир қисmini сотиб олган "Бета Алгоритм Аноним Ширкети"

МЧЖдан ҳам 2007 йил 4 майдаги 127-сонли олди-сотди шартномани расмийлаштиришда жамиятнинг низоми зарурат бўлмаса-да талаб қилинган. Мазкур ҳолат юзасидан вилоят адлия бошқармаси томонидан Ўзбекистон Банклар ассоциациясини Универсал биржа маркази ва аукцион савдоларини ташкил қилиш агентлиғи Хо-разм филиалининг бўлим бошлиқлари Ю.Юлдашев ҳамда Р.Ураевларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Мамъурий жавобгарлик тўғрисида кодексининг 2411-моддаси билан мамъурий жавобгарликка тортиш ҳақида судга тақлиф киритилди.

Ш.САИДОВ,
Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи,
Х.КАРИМОВ,
Бошқарма катта маслаҳатчиси

Воҳанинг жазирама иссиғи, изғирин шамоллари ва офир тупроқ шароитига қарамасдан, йил ўн икки ой мардонавор меҳнат қилиб, мўл ҳосил етиштираётган заҳматкаш ва фидойи Хоразм халқи деҳқончилик илмининг ҳақиқий академиги, Хоразм замини эса ўзига хос академиядир...

Ислон КАРИМОВ

Истиқлол нури

1993 йилнинг кузида ўзим гувоҳ бўлган бир воқеани ҳали-ҳамон эслаб юраман

... *Ўзбекистон Қаҳрамони, марҳум Машариф Қувоков раҳбар собиқ «Богот» жамоа хўжалигида воҳанинг чорвачилик, умуман фермерликка ихтисослашган илк хўжалиги пайдо бўлди. Шу муносабат билан семинар анжумани ўтказилди.*

— Орангизда Рўзбой (мазкур фермер хўжалиги раҳбари)га ўшаб, ферма сотиб олишга талабгорлар борми? — дангал мурожаат қилди, вилоят ҳокими йиғилганларга дадил боқиб, — бор бўлса, марҳамат қилиб олдингга чиқсин!

Орага сукунат чўкди. Ҳеч кимдан садо чиқмади. Ҳоким одамларга қайта овоз берди:

— Мардлар борми ўзи, орангизда?

Таассуф, фермерликка талабгорлар топилмади. Юрак бетлаб ҳеч ким уртага чиқмади. Ҳоким бироз асабийлашди шекилли, аламини «тарғиботчилар», яъни қаламкашлардан олди.

— Тарғиботларингдан наф йўқ, одамлар фермерлик нима-ю, хусусий мулк, акция, дивиденд нималигини ҳали-ҳануз билишмайди. Агар билишганида бировларга «фермер бўлинг», дея ялиниб юрмасдик, камидан 10 киши қўл кўтариб, олдингга келган бўларди.

Хайрият. Ҳокимнинг айтгани бўлди. Фермерлар сафи йил сайин кенгая борди. Бугунги кунда юридик шахс мақомидаги фермер хўжа-

ликлари сони Хоразмда 18 минг 500 дан ортди. Боготлик Рўзбой Раҳимов уларнинг «оқсоқоли», қалдирғоч ва тўнғич фермер. Воҳада фермерликнинг илк ўчоғи Богот туманида шаклланиб бўлса, тадбиркорликнинг дастлабки намунаси Шовот туманида жамоа корхонаси шаклида юзага келди. «Ўзбекистон» номини олган мазкур корхона қандолатчилик, тикувчилик, майший хизмат кўрсатишга ихтисослашган. Эндиликда вилоятда 16 мингдан зиёд кичик ва яқна тадбиркорлар фаолият кўрсатаётир.

Ана шундай корхоналар шарофати билан «...2007 йилнинг биринчи ярмида sanoat mahsuloti ishlab chikarishi 7,8, iste'mol mollari 20, pudrat-kuri-lish ishlab chikarishi 9, chakana tovar aylanmasi 10,4, pulli xizmat kўrsatishi 36,1, kishiok xўjalik mahsulotlarini ishlab chikarishi 7,7, eksportkor mahsulotlar hajmi 58 foizga ortirdi».

Этиборга молик жиҳати шундаки, бу каби ижобий ўсиш-ўзгаришлар статистик ҳисоботларда мана



бир неча йиллардан буён узлуксиз қайда этиб келинмоқда. Тан олиш жоиз: бугун бизнинг бой тарихимиз эъзозу эҳтиромда. Амир Темур, Жалолитдин Манғу-

берди, ал Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Имом Бухорий, Замахшарий, Баҳовуддин Нақшбандий сингари алломаларни камолга етказган она замин эса жаҳон нигоҳида. Бунга халқимизнинг улкан салоҳияти-ю, жасорати, Юртбошимизнинг тарихий хизматлари эвазига эришганлигимизни баралла айтмоғимиз зарур.

Бугунги Хоразмни чинакам бунёдкорлик, гўзаллик, нафосат намуналари бутун борлиги билан намоён бўлаётган жаннатмакон масканга менгзасак, бизнингча, ўринли бўлади. Воҳа маркази — Урганч, тарихий, маданий ва меъморий обидалар маскани — Хиванинг фусункор қиёфаси, мафтункор таровати, шаҳару қишлоқлардаги бунёдкорликлар, тадбиркорлик масканларининг қизгин фаолиятига ким ҳам хаёс қилмайди, дейсиз?!

Шунга монанд фикр-мулоҳазани бир маърақада ўртага ташласак, гапни тўқин дастурхон тўридаги отахон илиб кетди: «Бошқа давлатлар худудини четлаб ўтувчи ўз темир йўлимиз, Хоразмни юртимизнинг барча жойлари, қолаверса, бутун жаҳон билан боғловчи улкан Амударё темир йўли ва автомобиль йўли кўприги ишга тушганидан сўнг ривож янада тезлашди, ҳаётимиз тарзи яхшиланди...» Отахон ҳақ.

Мазкур йўл ва кўприк — мустақиллигимиз меvasи, унинг ёрқин натижаси, давлатимиз ва Юртбошимизнинг узоқ ва чекка худудлар ривож учун қилаётган алоҳида ва доимий гамхўрлигининг аҳолий намунаси. Президентимиз ўтган аср ниҳоясига келиб, қадимий Хоразм ва Қорақалпоқ эли ўткир транспорт-коммуникация муаммосига рўпара келганлигини ҳатто шу ерлик қўлгина кишилардан ҳам кўра анча олдинроқ пайқаб, Учқудуқ-Мискин-Тошсоқа, Нукус темир йўл тармоғи ҳамда Амударёдаги муазам кўприк қурилишига ташаббускор бўлдилар. Бунёдкорлик жараёнини доимо эътибор билан кузатиб, бу улкан тарихий вазифани энг қисқа фурсатларда сифатли тарзда адо этиш учун бунёдкорларни ҳеч нарсага маҳтал қилмадилар. Ушбу кўприк ва транспорт-коммуникация тизими эндиликда бутун Ўзбекистоннинг фахри, бундан-да муҳими, раванқ омили. Хоразм воҳаси ва Қорақалпоқ диёри сари замонавий «дуудул отлар» — роҳатихон поёзлари туну кун қатнаб, одамлар узогини яқин, юқини энгил қилаяпти. Амударё узра қурилган мухташам кўприкнинг ўзи бир кеча-кундузда 30 га яқин поёзлар, 7 мингдан зиёд автомобилларга хизмат кўрсатиш қувватига эга. Шу боисдан бугун яна қадимий Хоразм тараққий ва истиқбол йўлида, кўркамлашган, замонавийлашган, бугун жаҳон билан тиллашаётган ва юзлашаётган обод ҳамда кўркам маскан суваратида.

Истиқлол нуридан қувват олган халқимизнинг юрар йўллари доимо обод ва раван бўлавергай!

Абдулла СОБИРОВ, «Инсон ва қонун» муҳбири




«Xorazm palas» меҳмонхонаси



Хива — очик осмон остидаги музей



Азалий қадриятааримиз ҳамиша барҳайт



Меъморий обидалар

Тадбиркорлик хосияти

Гилам — кундалик турмушда энг зарур уй жиҳозларидан бири. Бинобарин, у дилларни асир этгувчи сеҳрли, мафтункор ва жозибдор кучга ҳам эга. Бу — унинг гўзаллиги, нафислигини, нақшлари сержиллолигини. Бизнинг назаримизда, ҳар битта гилам — чинакам санъат асариди.

Кўхна Хоразм — нафис санъатимизга даҳлдор гўзал гиламлар яратилган сехрли диёр. Энг асл гиламлар қадимий Хивада яратилади. Азалдан шундай. Магрибу машриққа машҳур гиламларни Оврупо-ю Чин-Мочин, араб ва ҳинд савдогарлари бу азим шаҳар «Буюк ипак йули» ёқасида жойлашгани боис шу ердан харид қилишган. XII аср муқаддасида ўлкага ташриф буюрган италиялик машҳур сайёх Марко Поло халқ хунармандчилигининг ушбу намунасини «Бу кўхна шаҳарда шундай нозик, нафис, бежирим ва гўзал гиламлар тўқилар эканки, бундай гиламларни дунёнинг бошқа жойларида учратмадим. Улар факат чиройи билан эмас, пишиқпукталиги билан ҳам ажралиб туради», дея эътироф этган. Машҳур шарҳшунос тарихчи олим С.П. Толстов эса навбатдаги археологик қазув ишларининг бирида миллоддан олдин тўқилган Хива гилами парчасини топиб олган. Бу — қадимий Хива, нанки илм-фан, маданият ва санъат маскани, балки ажойиб хунармандлар эли эканлигидан ҳам дало-

лат беради. Хива гиламчилиги истиқлол айёмига келиб юқори ривожланиш юз берди. Бунинг яна бир сабаби бор. Авваллари бу ерда гилам тўқиш бор-йўғи хунармандлик йўли билан амалга оширилган бўлса, эндиликда бу жараёни замонавий асосга ўз қўлига олган. Юртимизнинг энг гўзал ва бежирим гиламлари — хиссадорлик жамиятимиз махсули. Дастлабки даврда тўқилган 100 минг квадрат метрлик нарий-берисиди гилам тўқиган мазкур даргоҳ хозирга келиб, ушбу курсаткичи миллион квадрат метрдан ошдиришга муваффақ бўляпти.

Президентимиз Ислон Каримовни биз — гиламчиларнинг энг яқин дўсти ва раҳнамоси, десам барча ҳамкасбларимизнинг фикрини ифодалаган бўламан. У кишининг Хива гиламчилари хузурига бир неча бор таш-

рифи корхона учун ёрқин истиқбол эшикларини очди. Деярли ўтириб қолаётган корхона қайта оёққа турди. Бутун жаҳонга манзур энг




замонавий безакли гиламлар Хивада яратилганлигини кўп сонли хариддорларимиз, чет эллик ҳамкорларимиз очик эътироф этишяпти. Айни пайтда миллий нақшларимиз намунаси ҳам эътибор билан кузатиб, бундай гиламлар хатто хо-

рижликларга ҳам манзур бўляпти. Юртимизнинг гўзал манзаралари, табаррук аждодларимиз, пиру бадавлат юртдошларимиз сиймолари акс этаётган сержило гиламларга бўлган талаб ва эҳтиёж, айниқса, ортиб бораётир. Юқорида энг сара Хива гиламлари sanoat усулида ишлаб чиқарилаётганини айтиб ўтдик. Бирок касаначилик ва халқ хунармандчилигининг ҳам юз ўғираётганимиз йўқ. Қадимий аънаваларга хос усулдаги сержило гиламларни уй шароитида тўқишга аҳд қилган 50 нафардан зиёд касаначига барча шароитларни яратиб бераёямиз. Тадбиркорлик, омилкорлик ютуқлар қалити, албатта. Бундай ишончли восита ва омиллар пировард натижада махсулотларимиз хариддорлиги, ишларнинг юқори сифати ва унумини таъминляпти. Жозибдор Хива гиламларининг доврўғи юрт кезмоқда.

Эзгу ниятимиз бор: замонавий ва аънавий гиламларимиз юртимизнинг мусаффо осмони янглиғ тиник, ҳаётимиз каби гўзал бўлсин.

Улугбек АХМЕДОВ, «Хива гилами» АЖ раиси



Қалваннинг мустаҳкам девори



Халқ хунармандчилиги

Бугуннинг йўриғи бошқа...

Ҳар бир фуқаро ўз қадр-қиммати ва эркига эга

Фермерлик, умуман тадбиркорлик ҳаракати — истиқлолимиз меvasи. У халқимиз дилидаги мулкчилик ва манфаатдорлик туйғуларини, уни ҳимоялаш, қўллаб-қувватлашга қаратилган саясатларнинг ифода этади.

Фермер хўжалигимиз биргина 2006 йили 41 миллион сўм миқдорда соф фойда олди. Бу — бизнинг ўз хусусий бойлигимиз, миллионер фермер эканлигимизни ифодаловчи ёрқин ҳолат. Бундай бойликка эга бўлганларнинг холи шўролар замонида не кечишини тасаввур этиш қийин эмас. Бугуннинг эса йўриғи бошқа. Жамиятнинг ҳар бир фуқароси ўз қадр-қиммати ва эркига эга. Ҳалол меҳнат ва қонуний манфаатлар эвазига топиладиган бойлик истиқлолнинг улкан инъоми.

Оиламизда хотиржамлик, осойишталик. Турмуш ўртоғим, фарзанд ва невараларим — фермерлик жаҳасида менга доимо қанот. Қарийб 125 гектар ердаги деҳқончилик нознеъматлари асосан юрт тўқинлиги, халқимиз фаровонлигига йўналтирилган. Биргина ўтган йилнинг ўзида 55 гектар ерда гўза ўстириб, 250 тонна ҳосил сотдик. Фалла ҳосилдорлиги эса гектарига 55 центнердан ошди. Бу — Хоразм деҳқончилиги ша-

роитида катта натижа. Аммо, меҳнат сарфи деган гап ҳам бор, албатта. Шундай бўлса-да, соф даромадимиз миқдори 40 миллиондан ортгани фермер хўжалигимизда меҳнат қилаётган 70 нафардан зиёд кишининг ҳалол ва фидойи меҳнати нишонаси.

Шукрим, ҳеч нарсадан камчилигимиз йўқ. Ишчиларимиз учун энг яхши шарт-шароитлар яратиб, меҳнатига юқори миқдорда ҳақ тўлашга эришяёямиз. Техника ва молиявий ресурсларимиз етарли. Мевазор богларимиз, сабзавот-полиэ пайқалларимиз ҳосилга тўла.

Бу йилги галла майдонларидан-ку, кутганимиздан ҳам зиёда ҳосил ва даромад олдик. Лекин, бундан-да юқори сармоини пахтачиликдан кутаямиз. Гўзаларимиз авжи бу йил янада яхши.

Бу каби ибратли ҳолатларни инноватга олсак, давлатимиз фермерга ва фермерлик ҳаракатига доимо суяниши мумкин. Бу саясатлар эса ўз самарасини берапти, муҳими ҳам шу эмасми?!

Гулимнат ҲАЙТИММатов, Турлан туманидаги «Ҳайтиммат ота» фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони, сенатор

Шукрона

Сирасини айтганда, ҳаётимиз гашию, турмушимиз тотини 75 йиллик умрим мобайнида энди кўрайпман.

Шу йил «Хотира ва қадрлаш кўни» муносабати билан биз — бир гуруҳ фахрийларни Республика Бош прокуратураси Ватанимиз пойтахтида уюштирилган байрам тантаналарига таклиф қилди. Хурмату эъзоз, эътибор ва гамхўрликларнинг поёни кўринмади. Пойтахтимизнинг бетакор ва мафтункор манзараларини томоша қилиб, юртимиз нечоғлик яшаб, кўру гўзалликка буркангани, обрў-эътибор топгани, кўч-кудрат тимсолига айланганлигини кўрдик. Қалбимизни хуш қайфият ва гўзал хотиралар хисси қамради. Бизни пойтахтдан кузатишаркан, қалбимизни яна бир бора миннатдорчилик хис-туйғулари қамради. Биласизми, байрам тантаналари ортада қолган ўша дамларда бизга курсатилган иззат-иқром ҳам шу билан ниҳоясига етганини айтмай бўладими?! Тошкент-Урганч-Тошкент йўналишида ҳаракатланаётган 55-56-сонли поёзда муҳайё этилган кулайлик ва шарт-шароитлардан барча бирдай баҳраманд бўлди. Поёзд бошлиғи Муродбек Солиҳов ёш бўлса-да, гоёта дилкаш ва хушмуомала йигит бўлиб чиқди. Ҳаммага гўёки ўз яқинларидай ши-

рин муомала қилади, ҳеч кимдан ёрдам ва мададини аямайди, вагон кузатувчиларига нисбатан эса анча талабчан. Купедаги саражом-сарош-таллик ва озодалиқни кўриб, кўзингиз қувнайди. Муъжазгина столчада муздеккина маъданли сувдан тортиб,



чоинак тўла анчиқ чой, пахта гулли нафис пиёлаю, қанд-қурсатча бари муҳайё. Вагон кузатувчилари: Исма-тулла Мардонов, Зокир Матёкубовлар кечкурун ва эрталаб кўпга ҳатто иссик овқат ҳам тортишди. Ҳар бир йўловчига совға улашди. Вагон со-вутгичидан таралган салқин ҳаво тафтли Қорақам саҳросини кесиб ўтаётган поёзд йўловчилари танига ором бағишлади.

Оддий ҳуқуқшунос сифатида яхши эслайман: Собиқ шўролар тузуми даврида кишиларни бу каби кулайликлардан баҳраманд қилиш уёқда турсин, ҳатто борида ҳам қўпична маҳрум этишарди. Хизматчи тоифа-

сидаги ходимлар ишлайдиган оддийгина бинони нари-бери таъмирлаш учун ҳам қўпична Москванинг руҳсатини олардик.

Шукрки, шу каби тобелик ва қарамликдан овоз бўлди. Меҳнат фаолиятимизнинг охириги палласида кўпгина адлия ходимлари қатори давлатимиз раҳбари Ислон Каримовнинг бағрикенглик, ке-чиримлилик ва дарёдилликка қаратилган инсонпарварлик сийсатини ҳаётга таъбиқ этишда иштирок эта-нимдан беҳад мамнунман. Биз — фахрийларга курсатилган гамхўрликларни ҳам ана шу олижаноб сийсатнинг ўзига хос ифодаси, деб биламан. Шундай экан, истиқлолимиздан, Юртбошимиз саясатларидан астойдил мамнулимиз ва ундан чўқур қониқш ҳосил қилаётганлигимизни барча фахрий ҳуқуқшунослар номидан изҳор этсам, ўринли бўлади.


Кутлимурод РАҲМОНОВ, меҳнат фахрийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ҳуқуқшунос



Саҳифа материалларини «Инсон ва қонун» муҳбири Абдулла СОБИРОВ тайёрлади



Бугунги Урганч



Мозидан садо

Fermer savol beradi

ҲАР СЎРОВНИНГ ЖАВОБИ БОР

Меҳнатга ҳақ тўлаш

— Фермер хўжалиги ходимларига иш ҳақининг маълум қисмини натура шаклида бериш мумкинми?

Р.Салаева, Қашқадарё вилояти, Янқабоб тумани

— «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуннинг 23-моддасига мувофиқ фермер хўжалиги ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тарафларининг келишувига кўра пул ҳамда натура тарзида, қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақидан оз бўлмаган миқдорда белгиланади.

Гаров шартномаси

— Фермер хўжалигини ривожлантириш мақсадида ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга қўйган ҳолда кредит олоқчиман. Шунга кўра ер ижараси шартномаси бўйича гаров суммаси қандай тартибда аниқланади?

Р.Бекмаматов, Қашқадарё вилояти, Нишон тумани

— Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 8 апрелда 1336-сон билан давлат рўйхатидаги умтазилган «Ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини қўйишга асос бўладиган шартнома»ни Ни-

оширилади. Ер участкасининг бир қисmini гаровга қўйган ҳолда кредит олоқчиман. Шунга кўра ер ижараси шартномаси бўйича гаров суммаси қандай тартибда аниқланади?

Рустам ТУРДИЕВ, Адлия вазирлиги маъсул ходими

Чакмоқтош

Штирлиц нега ташвишланган?

Бу қандай тош эди?

Машиҳур разведкачи Штирлиц ниҳоятда уддабурон, жасур ва ақлли, ута хушёр, ўз ишининг устаси бўлган. Штирлицнинг мавқени иш олиб боришга қўл келган. Штандартенфюрер СС фон Штирлиц ўз алоқачиси Кетрин Кинни ниҳоятда ишончли ҳимоя қила олган ва алоқачиси Кетрин Киннинг фарзанд куришидан ниҳоятда кўрққан ва хавотирда бўлган. Нима учун разведкачи бу ҳолатдан хавотирга тушган?

Ривоят қилишларича, бир мамлакат подшоҳи хушроқ қилган бир қишлоқ оқсоқолига ўзининг қимматбахш тошларини кўрсатиб маънафиди бу қимматбахш тошларининг баҳоси жуда қиммат бўлса-да, умуман фойда келтирмаслиги маълум бўлади. Шунда қишлоқ оқсоқоли шундай дейди: «Менда ҳам 2 та тош бор, уларнинг баҳоси 100 дирхам бўлса-да, ҳар йили юз миң дирхам фойда келтиради».

«Чакмоқтош»да берилётган унта саволга тўғри жавоб топиб, бизга мактуб йўллаган мухлис тахририга қимматбахш совғаси билан тақдирланади.

БИР ҲОВУЧ ДУР

Нимадан кўрқасиз?

Одамлардан: «Сиз ҳаётда нимадан кўрқасиз?» — деб сўраб кўраликми-сиз? Ҳар ким ҳар хил жавоб беради. Кимдир — бахтининг, кимдир — ота-онанинг, кимдир — севгилининг, ким-



дир — тинчликнинг йўқолишидан кўрқаман, дейди.

Ажабланарлиси шундаки, қандам кам ҳолатда ешадонининг, иймонининг йўқолишидан кўрқаман, деган жавобни эшитамиз. Агар одам севгилисиз, тинчлик, бахтининг йўқолиши ҳам бир амалда кун кўриши мумкин. Ота-онасини бир кун келиб йўқотиши табиий. Аммо иймонини, ешадонини йўқотса нима бўлади?

Олтиннинг қадри йўқ...ми?

Ривоят қилишларича, зўна ва хасис бир бой олтинларини ерга қўйиб қўйибди-да, сўнг ҳар қуш ўша жойни зиёрат қиларди. Буни сезиб қолган қўшнинг олтинларини ўғирлаб ўрнига тош тўлдириб қўйди. Қўшнинг бирида бой олтинларини бағрига босиб роҳатланмоқчи бўлиб, қарасак, тош турибди. Бой дод солибди. Шунда қўшнинг келиб: «Сен бекорга қўнғулансан, яхши тошларни яна қўнғулансан, зиёрат қиларсан. Сафр қилмаганингдан кейин бу чуқурчага тош қўйилганми ё олтин, сенга нима фарқи бор?» — дебди. Дарҳақиқат, ҳаддан зиёд кўп бой-



ликнинг инсонга нима кераги бор, ахир ҳаммасини ишлатма олмайдими-ку. Лекин инсон бағридан кўнғуланган сайин яна кўнғуланган дейди. Бу ҳам дунёни, имонинг англамаслик оқибати дур.

Икром УЛУҒБОЕВ тайёрлади

Hikmatlar sandig'idan

ХУНАР ОШАТАР, МЕХНАТ ЯШНАТАР

Билмаслик айб эмас, билишни истамаслик айб.

Хунарликнинг оғзи ошга тегади, Хунарсизнинг оғзи тошга тегади.

Хунар бўлса қўлингизда, нон топилар йўлингизда.

Хунари бор хор бўлмас.

Ким хунарни деса, у доно бўлур.

Нодонлар қудрат деб бойликни билур.

Кимки ўрганганини уят, ор демас, Сувдан дур топади, тошдан лағал, олмас.

Ўқиб ўрганганлар ҳар битта хунар.

Хунарманда бир кун фойда келтирар.

Хунарни — зар, хунарсиз — хор.

Юнус ЗИЁДОВ

ЭЪЯЛОН!

- 1. Наманган вилояти адлия бошқармаси Наманган шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус лавозимига, 2. Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси Шеробод туман 1-сон ва Бандихон туман давлат нотариал идоралар нотариуси лавозимига, 3. Сирдарё вилояти адлия бошқармаси Гулистон шаҳар 1-сонли давлат нотариал идоралар нотариуси лавозимларига

ТАНЛОВ ЭЪЯЛОН ҚИЛАДИ!

Танловда нотариал фаолият билан шугулланган хуқуқни бевуқоқ лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

- 1. Комиссия номига ариза; 2. Паспорт нусخаси; 3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақ; 4. Меҳнат дафтаридаги нотариал тасдиқланган нусхаси; 5. Нотариал фаолият билан шугулланган хуқуқни бевуқоқ лицензиянинг нусхаси; 6. Охирги иш жойидан берилаган меҳнат фаолият тўғрисидаги маълумот.

Танловда иштирок этишни хоҳловчи фуқаролар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомидида тегишли виллоят адлия бошқармаларига мурожаат этишлари лозим.

Наманган вилояти адлия бошқармаси телефони: 8(369) 226-26-73, Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси телефони: 8(376) 22-3-38-97, 22-3-37-69, Сирдарё вилояти адлия бошқармаси телефони: 8(3672)25-09-69, 20-00-93, 25-01-55

Afsus

Кириш деса, Чиким деса, «бай-бай», «ҳай-ҳай»



Кечга яқин ошхонада кунлик тушум ҳисоб-китоб қилинганда, ҳар галгидек яна мудирининг кўнгли тўлмади.

вишда ҳеч қандай ҳужжатсиз назорат касса машинасини ўрнатмай, давлатга ҳеч қандай солиқ тўламай, тадбиркорлик фаолиятини олиб бораётган экан. Солиқ инспекцияси ходимлари бу «тадбиркор»нинг ҳам ҳийласини фоти этиб, қонуний равишда 434.700 сўм жаримга тортидилар. Қилмиш — қидирмиш, деб шунга айтадилар-да.

Менинг нафисим балодир, ёнар ўтга соладур, деганларидек, Мирбозор қўрғонидида яшовчи Нодира Ражабова ҳам қонунга зид равишда иш тутган. Нодира ўз уйида қўлбола ароқ тайёрлаб қўнғур ишга қўл урган. Давлат Солиқ Инспекцияси ходимлари Нодира Ражабованинг уйдан 270 дона ароқ идиши учун қопқоқ, 210 дона акциз ёрлиги, 15 литр техник спиртнинг мусодарда қилдилар. Бугун сохта тадбиркор Нодира Ражабова қонун олдида жавоб бермоқда.

Мирбозор қўрғонидида ошхона мудири Акмал Жўраев ҳам мўмай даромад орттиришга мукасидадан кетган экан. У ўзига тегишли ошхонада ҳеч қандай лицензия олмасдан, Давлат Солиқ Инспекциясидан рўйхатдан ўтмасдан, қонунга хилоф равишда қўлбола ароқ сотиш билан шугулланган. Режасиз иш, келтирар ташвиш, деганларидек, сохта тадбиркорларнинг ўйламай қилган ишлари оқир-оқибат уларга қимматга тушмоқда.

Бир нарсасга ҳайрон бўласан киши, ахир, тадбиркорликка қўл урган кишилар бичим икки бўлсин, бировдан кам бўлмай, деб ақл-заковат билан етти ўлчаб, бир кесиб, иш юритадилар. Тадбиркорлик учун паст-баландни обдан ўрган киши нега қонунни писанд қилмай, уни айланми ўтишга ҳаракат қилади? Ахир, қонунни писанд қилмасликнинг оқибати, албатта, «вой!» бўлади-ку... Қонунни писанд қилмаслик эса кишининг «уддабурон»лиги эмас, балки унинг ношуудлиги, узоқни кўра билмаслиги белгиси эмасмикин?

Сафар САЪДИНОВ, Нарпай туман Давлат Солиқ инспекциясининг бошқари, Азим ҚОДИРОВ, «Инсон ва қонун» муҳбири

Advertisement for 'Gallabank' (ҒАЛЛАБАНК) in the Republic of AT. It features the text 'Халқимизни энг улуг, энг азиз айём — Мустақиллик байрами билан қутлайди' and lists services like 'Микрокредитлар', 'Ипотека кредити', and 'Молиявий истеъмол кредитини'. It also includes contact information and a slogan: '«Ғаллабанк» хонадонингизга барака келтирсин!'.

Advertisement for 'Qonundan chetga chiqmang!' (From the country to the outside!). It promotes 'ЎЗБОШИМЧА ИШБИЛАРМОНЛАР' (Uzbek Own Brands) and lists various products like 'JUBA EXTRA', 'Barby', and 'JUBA'. It also includes contact information for the company.

Advertisement for 'Daholar dargohi' (Daholar Pharmacy). It features a portrait of a man and text promoting 'Эҳ, Хэмингуэй, Хэмингуэй...' (Ah, Hemingway, Hemingway...). It also includes contact information and a slogan: '«Инсон ва қонун» муҳбири'.

Table with 4 columns: 'ИНСОН ва ҚОНУН' (Inson va Qonun), 'Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ', 'ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:' (Editorial Board), 'Навбатчи: Урол ҒОЙИМОВ', 'Индекс: 646882', and 'МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-60, 133-84-50'.